

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 206 (10.511)

2005 ЙИЛ 19 ОКТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Дир кўни

Англиклар, воқеалар

### ҚИСКА сатрларда

● **КЕЧА** Учтепа туманида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Зулфияноним кизлари» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **БУГУН** 257-мактабда «Ўзбек тили — фахрим, гурурим» мавзусида иншолар танлови ўтказилди. Мазкур тадбир шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Санъат саройида кино санъати ихлосмандлари эътиборига ўзбек кино усталари томонидан яратилган «Уйин» бадий фильмининг премьераси ҳавола этилди.

● **ТОШКЕНТ** алоқа коллежида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўқитувчилар, ўқувчилар иштирок этишди.

● **БУГУН** ҳамза туманидаги 230-мактабда «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлик дастури доирасида ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар иштирокда ўтказилган давра суҳбати Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликларидан уюштирилди.

● **БУГУН** «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан «Қуов механика заводи» корхонасида уюштирилган давра суҳбати «ОИТСга қарши кураш» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати  
ва ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

Мустақиллигимиз шарофати билан хусусий тадбиркорларга давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар ҳамда кенг имкониятлар туфайли ички бозоримиз кўркам, сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлмоқда. Жумладан, миллий кадриятларимиз эъзои ўз аксини топган бетакрор, кўрган кўзларни қувнатувчи хунармандчилик маҳсулотлари қўли гул халқ амалий усталарининг захматли меҳнати ҳамда қалб кўрлари билан дунёга келади.

**СУРАТДА:** (чапдан биринчи) ёғоч ўймакорлиги устаси «Ташаббус» кўрик-танловининг шаҳар, республика босқичлари совриндори Акром Азларов ҳамкасб усталар ҳамда шоғирдлари билан ижодий мулоқотни хуш кўради.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



## XVI сағоси

Барча маълумлардан олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Кеча Самарқандда ўзига хос байрам — Шаҳар куни нишонланди. Байрам доирасида «Самарқанд: кеча ва бугун» мавзусида суратлар, халқ хунармандчилиги намуналари кўргазмалари, спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди.

● Олтинқул туманининг кутубхоначиси Арофатон Аҳмедова Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов асарлари билмидони кўрик-танловининг Андижон вилоят босқичи голиби бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Марғилон ва Қўқон шаҳарлари тиббиёт масканларига янги замонавий тиббий жиҳозлар топширилди.

● «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини қайта қуриш ва ривожлантириш» лойиҳасига асосан Жиззахда оптик толали кабелнинг дастлабки километрлари ётқизилди.

● Оққўрғон туманидаги «Тўрғай» фольклор-этнографик ансамбли Хитой Халқ Республикаси пойтахти — Пекинда ўтказилган халқаро маданият ва туризм фестивалида иштирок этиб қайтди.

● Тадбиркор Бахтиёр Шукров Пахтакор шаҳрининг фойдаланилмай ётган биносига «Жиззахқор» хусусий корхонасини ташкил этди. Натижада 70 нафар киши иш билан таъминланди ва бу ерда бир кунда 9-10 минг дона қоп ишлаб чиқарилмоқда.

### Жаҳонда

● Греция парранда гриппи хасталиги аниқланган Европа Иттифоқига кирувчи дастлабки мамлакат бўлди. Касалланган парранда Эгей денгизидеги Хиос оролида жойлашган хусусий фермада аниқланди.

● Туркиянинг шимолий қисмида Рихтер шкаласи бўйича 4,2 балли зилзила рўй берди.

● Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматлари зилзиладан жабр кўрган ҳудудларда ҳинд ҳарбий вертолётларининг фаолият кўрсатиши ўзасидан ҳамон бир тўхтама қелишига йўқ.

● Мисрнинг Сувайш каналда Кипр байроғи остида сузаётган юк кемаси ва Мисрнинг «Ассалом-95» теплоходининг ўзаро тўқнашиб кетиши оқибатида икки киши ҳалок бўлди, 30 дан ортиқ йўловчи жароҳатланди.

● Кабардин-Болқориянинг Нальчик шаҳрида террорчилик ҳаракатини амалга оширган жангариларни қўлга олиш жасадиган кенг кўламли операция амалга оширилмоқда.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси А.Турсунов бошқарган йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ва 2005 йилда қўтилган ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокама этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси А.Аҳадов шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишнинг устувор йўналишларидан келиб чиқилган ҳолда ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Барқарор иқтисодий ўсиш, инфляция даражасининг пайсасиши, аҳоли дарамадларининг ошиши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг чуқурла-

шуви, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенгайиши 2005 йил Давлат бюджети ижросига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётгани қайд этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг йиғилиши ҳам Давлат бюджети муҳокамасига бағишланди. Уни мазкур кўмита раиси Н.Исмоилов бошқарди.

Йиғилишларда муҳокама этилган масалалар ўзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

## ТОШКЕНТДА РОССИЯ ФАНИ ВА МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон ва Россиянинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш — Тошкентда очилган Россия фани ва маданияти марказининг вазифаси ана шундай. У икки мамлакат олимлари, адиблари, rassомлари, санъат аҳли ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш ҳамда биргаликда дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилди. Бу ерда кутубхона, кинозал, филолог-ўқитувчилар учун услубий хоналар жойлашади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида кўп соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С.Иномова марказнинг очилиш маросимида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг жорий йилнинг октябрь ойи бошида Санкт-Петербургда ўтган саммит доирасидаги учрашуви бу муносабатларга янгича фооллик бахш этди. Пойтахтимизда Россия фани ва маданияти марказининг очилиши бу интеграция жараёнини кучайтиришни ёрқин мисолидир. Унинг фаолияти мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Марказнинг очилишида иштирок этган ижодкор зиёлилар, миллий маданият марказлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари фан ва маданият соҳасидаги алоқаларнинг кенгайиши халқларимизнинг янада яқинлашишига ёрдам беришини таъкидлади. Янги марказ икки мамлакат жамоатчилигининг Ўзбекистон ва Россиянинг бу соҳадаги ютуқлари билан кенгрок танишишига хизмат қиладиган яна бир нуфузли масканга айланади.

Россия фани ва маданияти марказининг очилиш маросимида Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин иштирок этди.

ЎЗА

### Обуна — 2006

## “ОҚШОМ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

### У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА ХОНАДОННИГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

— Корхонамизнинг ташкил топиши тарихига қисқача тўхталадиган бўлса, 2004 йилда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг бир гуруҳ мутахассислари чет эллик мутахассислар тажрибасини ўрганиш мақсадида Хитойнинг «Holley Metering Limited» компаниясида бўлишган, — дейди Ойбек Дўстмухамедов. — У ерда мутахассисларимиз юқори техник ишлаб чиқариш тажрибасини кўриб, очиги ҳайратланишган ва уни ўрганиб қайтишга муваффақ бўлишган. Шундан сўнг юртимизда ҳам мана шундай корхона фаолиятини йўлга қўйиш тақдирини пайдо бўлган. Шу тариқа «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Energosotish» филиали, «Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» очiq акциядорлик жамияти ҳамда Хитойнинг «Hangzhou Zhongya Technology CO LTD» компанияси муассислигида «Elektron Xisoblagich» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ташкил қилинди.

Маълумки, «Holley Group CO LTD» корпорацияси Хитойдаги етакчи илмий ишлаб чиқариш компанияларидан саналади. Ушбу компаниянинг айти дамада АКШ, Канада, Нидерландия, Таиланд, Исроил, Аргентина ва шу каби бошқа бир қатор давлатларда филиаллари бор. Ушбу компаниянинг юртимизда ҳам ўз филиалини оғанлиги бизнинг мутахассислар



тажрибасига ишончини билдиради десак муболаға қилмаган бўламыз.

Шу ўринда корхона фаолиятига қайтадиган бўлса, ҳозирда қўшма корхонада электрон электр энергияси ҳисоблагичларининг замонавий турлари ишлаб чиқарилаётганда. Жорий йил-


да корхона ана шундай ҳисоблагичларнинг 10 минг донасини ишлаб чиқаришни режалаштирилган бўлса, келгуси икки йил давомида корхона мутахассислари 1 фазали ва 3 фазали элект-

рум. Шу оғнинг ўзида 12 минг дона ҳисоблагич ишлаб чиқарилиб, республикамизнинг барча вилоятларига тарқатилди.

Айни пайтда корхонада бир йилда 70 минг дона электр энергияси ҳисоблагичлари ишлаб чиқарилаётганда. Корхонанинг асосий ютуғи Хитойнинг «Holley» корпорациясининг келтирилган замонавий технологик линиялари билан таъминлангани бўлса, иккинчи томондан бу ерда тажрибали Хитой мутахассисларининг ҳам ишлашидадир.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган DDS 28, DDS 28 и бир фазали ва DTS 541, DSS531 уч фазали электрон электр энергияси ҳисоблагичлари юқори аниқлик синфида ишлайди ва узоқ муддатли кафолатга эга. Бу ерда тайёрланаётган уч фазали ҳисоблагичлар автоматлаштирилган ахборот-ўлчов тизимига уланган бўлиб, абонент ҳисобида тўланган сума тугаса, ҳисоблагич ўз-ўзидан электр энергиясини узиб қўяди.

Айни пайтда корхона мутахассислари ана шундай автоматлаштирилган ахборот-ўлчов



тизимни устида иш олиб боришмоқда. Бу борда хитойлик ва ўзбек мутахассислари биргаллик АСКУЭ/АСДУ — автоматлаштирилган тизим лойиҳасини ишлаб чиқилди. Ҳозирда Миробод туманида ушбу тизим асосида ишлаб амалга оширилмоқда.

Айни дамада ички бозоримизда харидоригр бўлган корхона маҳсулотларини қўшни Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган.

**Орзуғул РУСТАМОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар.**

**Қарор ва ижро**

**МАҚСАД — ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ТЕЖАШ**

Жорий йил мобайнида биргина шахримизнинг ўзида ўнлаб янги қўшма корхоналар ташкил этилди. Бу биринчи навбатда мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ва чет эл инвестициясининг кириб келишига катта туртки бўлди. Утган йили ташкил қилинган корхоналарнинг бир йиллик ишлаб чиқариш ривожини билан танишиш мақсадида улардан бири «Elektron Xisoblagich» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг директори Ойбек ДўСТМУХАМЕДОВ билан мулоқотда бўлдик.

рон электр энергияси ҳисоблагичларидан 450 мингтасини тайёрлашни ўз олдидарига мақсад қилиб қўйишган.

— Бизда ишлаб чиқарилаётган ҳисоблагичларнинг бошқалардан фарқи шундаки, корхонамиз маҳсулотлари жаҳон стандартлари талабларига тўла жавоб беради, — дейди жумладан корхона директори. — Маҳсулот учун хом ашё яъни электрон микросхемалар, детал чиплар Хитойдан келтирилади. Яқин кунларда маҳаллийлаштириш дастури асосида зарур хом ашёнинг 50 фоизи корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Корхонага янги технологик линиялар келтирилиши билан, яъни тез орада 150 та янги иш ўринлари пайдо бўлади. Бу эса яна 150 нафар маҳаллий ёшларимиз иш билан таъминланади деганидир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоб механизмининг тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларининг амалдаги ихросини таъминлаш мақсадида 2008 йилгача Ўзбекистон бўйича 4 миллион 133 мингта ҳисоблагичнинг қайта ўрнатилиши режалаштирилган. Демак, корхона ходимларига юқоридаги ҳисоб бўйича янги электр энергияси ҳисоблагичлари ишлаб чиқариш вазифаси юкланганиги маъ-

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР**

Тошкентда интеллектуал мулк ҳуқуқи ва аънавий билимлар муҳофазасига бағишланган халқаро семинар бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, БМТ Университетининг Истикболли тадқиқотлар институти ҳамда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Хитой, Россия, Португалия ва Марказий Осиё давлатларидан мутахассислар иштирок этмоқда.

Семинарда аънавий билимларнинг интеллектуал мулк билан ўзаро боғлиқлиги, иқтисодий, экологик, ижтимоий ва маданий аҳамияти, ҳуқуқий асослари ҳамда уни муҳофаза қилиш стратегияларига оид масалалар атрофида муҳофиза этиляпти.

Анжуман очилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директори А. Азимов, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти вакили С. Зотин, Истикболли тадқиқотлар институти мувофиқлаштирувчиси Б. Тобин таъкидлаганидек, бугунги кунда интеллектуал мулк ҳуқуқи ва аънавий билимлар, шунингдек, биологик ресурслар муҳофазаси дунё мекёсидаги долзарб масалалардан бирига айланган. ЖИМТ ҳамда Истикболли тадқиқотлар институти томонидан мазкур соҳанинг халқаро ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қатор минтақавий лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда. Зеро, биологик хавфсизликни таъминлаш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган аънавий билим ва генетик ресурслардан унумли фойдаланиш, улардан олинадиган иқтисодий даромадининг адолатли тақсимланиши ҳар бир мамлакат ва ҳар бир халқнинг миллий манфаати учун хизмат қилади.

Марказий Осиё нафақат генетик ресурсларга, балки аънавий билимларга ҳам бой. Бу ҳудудда яшайдиган халқларнинг қадим урф-одатлари, маданий мероси ва уларнинг жаҳон маданиятида нечоғли муҳим ўрин тутуши ҳақида тўхталашга эҳтиёж йўқ. Оқдий маталардан халқ достонларига, қуллоқ ясаган қўздан зардўз тиккан каштагача — барча-барчаси халқ бойлигидир. Бундан ташқари, минтақамизнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳам ранг-баранг. Ўзбекистонда флора ва фаунанинг 27 мингдан ортиқ тури мавжуд. Шу боис айрим ноёб жониворлар ва доривор ўсимликлар йўқолиб кетмаслиги учун муҳофиза чораларини кучайтириш гоёт муҳимдир. Ана шу миллий бойлиқни халқаро интеллектуал мулк ҳуқуқи доирасида муҳофиза этиш долзарб масалга айлиниб бораётди.

Ўзбекистон бу жараёнинг фаол иштирокчиларидан. Мамлакатимиз ЖИМТ аъзоси сифатида мазкур соҳага доир қатор халқаро конвенцияларни имзолаган. Интеллектуал мулк ва аънавий билимларни муҳофиза этиш борасида юртимизда тегишли қонунлар қабул қилинган.

20 октябрга қадар давом этадиган анжуманда биологик ресурслардан фойдаланиш ва фойданинг тўғри тақсимланишида интеллектуал мулкнинг ўрни, патент ҳуқуқи ва уни амалиётда қўллаш, аънавий билимлар муҳофазасида халқаро ҳуқуқ ва сийсатнинг аҳамияти ҳамда бошқа қатор масалалар юзасидан ҳам мажлислар ўтказилади.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,**  
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Миллий истиқлол ғояси — жамиятнинг демократлаштириш ва модернизациялаш омили» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мазкур академия тингловчилари, олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими вазирликлари вақсиллари, ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этди.

**МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ТАЪЛИМ**

Анжуманда мазкур академия ректори К. Назаров давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан чўқур асослаб берилган миллий истиқлол ғояси Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг буюк ва қудратли давлат барпо этиш йўлидаги мақсадларини ўзида мужассам этганини таъкидлади.

Президентимиз томонидан 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги фармойиш бу борда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур фанга оид кўплаб ўқув адабиётлари, дарсликлар, қўлланилмалар яратилаётди. Олий ўқув юртиларига махсус портал орқали «Жаҳолатга қарши — маърифат» туркумидаги зарур ўқув материаллари етказиб берилаётди. Миллий истиқлол ғояси олий ва ўрта махсус, касб-хунар, халқ таълими тизими муассасаларида алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда.

Ахборот хуружлари, мафкуравий курашлар, глобаллашув жараёни авж олган ҳозирги пайтда халқимиз, айниқса ёшларни турли ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан асраш, уларнинг онги ва тафаккурига миллий истиқлол ғоясини чўқур сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса таълим мутасаддилари, ўқитувчи ва педагоглардан таълим-тарбия жараёнига янгича ёндашувини талаб этаётди.

Анжуманда «Миллий истиқлол ғояси: таълим ва тарққиёт», «Ақдарастилик ва терроризмнинг халқаро ҳуқуқий тарққиёт» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Замонавий кадрлар тайёрлашда миллий истиқлол ғоясининг аҳамияти, таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган қомусий тўплам лойиҳаси муҳокама этилди.

**Назokat УСМОНОВА,**  
ЎЗА муҳбири

**Иқтисоқий**

**БЕЖИРИМ, ЖИЛВАКОР БЕЗАКЛАР**

Халқимиз орасида «Аёлнинг гўзаллигини оширадиган нарса тақинчоқлар», «Дунёда биргина аёл қолса ҳам заргарга албатта, иш топилади», «Аёл гўзаллигининг ярми зеб-зийнатда» деган иборалар тез-тез қулоққа чалинади. Буни ҳақиқат деса бўлади. Гўзал қиз-жувонларимизни турли-туман зеб-зийнат, тақинчоқлар-сиз асло тасаввур қилиб бўлмайди...

Мирзо Улуғбек туманида 10 йилдан ортиқ вақтдан буюн фаолият юритаётган «RAMDOR» масъулияти чекланган жамияти жамоаси айти шу йўналишда самарали иш юритмоқда. Улар турфа рангли шаффоф, нафис, жилвакор, гўзал бижутерия маҳсулотларини ишлаб чиқармоқдалар. 35 хилга яқин тақинчоқларни тайёрлашда маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади. Ўлкамиздаги тоғлардан олинган каҳаланг, лазурит, жадуит, яшма, халцедон каби қўллаб тошлар турлари жамоа маҳсулотларининг сифатли, кўркам ҳамда харидоригрлигини таъминламоқда.

Ушбу жамият цеҳида ўрнатилган ўзимизнинг дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида табиий тошларга талаблар даражасида ишлов берилади, шу сабабли ҳам уларнинг жиловдорлиги, рангининг тиниклигига тўлиқ эришилади. Қўли гул, серқирра устозларнинг саёй-ҳаракатлари, янгиликка ўчликлари ҳамда корхона тадбиркорларининг ички бозорларимизни тинмай ўрганишлари боис маҳсулот турлари кўпайиб харидорлар сафи кенгайиб бормоқда.

**ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАНМОҚДА**

Гўзал ва ҳамиса навқирон пойтхтимиз кўркіга монанд равон, текис йўлларда ҳаракатланаётган кўркам, қулай транспорт воситалари ҳамшаҳарларимизнинг узогини яқин, оғирини енгил қилишга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Мазкур автоуловларнинг табиатимиз экологик мувозанатини сақлаш борасида маҳаллий хом ашё — пропан газида ҳаракатланиши давр талабидан келиб чиқмоқда. Мана икки йилдан буюн «INTERMOBILGAS» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг бу бордаги фаолияти самарали кечмоқда. Эътиборлигини, улар завод-тайёрловчининг техник талабларига тўлиқ риоя этган ҳолда газбаллон ускуналарини ўрнатиш, автомашинанинг ўзигагина хос бўлган ҳолатларни ҳисоб олган ҳолда қайта жиҳозлаш (яъни редукторлар, электроника, баллонлар) ишларини амалга оширмоқдалар.

**Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги

## «ЗАНГОРИ ОЛОВ»НИ ТЕЖАЙЛИК

Дарҳақиқат, газ — бебаҳо бойлигимиз. Унинг турмушимизга фойда, ҳар биримизнинг хонадонимизга қўлайлик олиб кирганини инкор эта олмаймиз. Истеъмолчиларга ана шу «зангори олов»ни узлуқсиз ва хатарсиз етказиб беришда соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари, зиммаларидаги масъулиятларини эътироф этган ҳолда ана шу қимматбаҳо неъматни беҳуда исроф этмаслик ҳам муҳим аҳамият касб эттичини унутмаслик лозим.

— Газни исроф қилиш, уни ҳудуд-беҳуда ёқиб қўйиш, ноқонуний тарзда ўзбошимчилик билан фойдаланиш, айниқса қишнинг совуқ кунларида газдан хонадонларни иситишда фойдаланиш оқибатида келиб чиқадиган ёнғин ҳолатлари, бахтсиз ҳодисалар, албатта кўнгилларни хира қилиши, қанча-қанча зиён етказиши, шубҳасиз, — дейди «Тошкентшаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси «Бектемиртумангаз» филиали директори Шерали Мирзаев. — Ана шундай ноҳус ҳодисаларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Ҳозирда пойтахтимизда узоқоқлик билан давом этаётган «Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги»да бу ҳақда истеъмолчиларга кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган икки ойликда филиалимиз ходимлари ҳам белгиланган режа асосида корхона ва ташкилотлар, маҳалла ва муассасалар билан ҳамкорликда фаол иштирок этишмоқда. Асосий эътибор эса истеъмолчиларга икки ойликнинг аҳамиятини тўла тушунтириш, қишга таратилган ишларини ниҳоясига етказиш баробарида бу тадбирга аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган.

— Шу кунга қадар қандай ишлар амалга оширилди?

— Аввало, тарғибот-ташвиқот ишларининг муҳим аҳамиятини ҳис этган ҳолда тумандаги аҳоли гавжум жойлар, корхона ва ташкилотлар, муассаса, маҳалла гузарлари, ўқув маканларига газдан хавфсиз фойдаланиш ҳақида плакат ва йўриқномалар осилди ва истеъмолчиларга тарқатилди. 3 кун мобайнида «Фарҳод» кинотеатрида газдан хавфсиз фойдаланиш, ақс ҳолда у келтириб чиқарадиган ёмон оқибатлар ҳақидаги кинофильмлар намойиш этилди.

Туманимизда 8474 та газлаштирилган хонадон бўлиб, ходимларимиз томонидан дуббуронларнинг соғлиги ҳақида тузилган далолатномалар жойларга чиқиб ўрганиб чиқилди ва керакли тавсиялар берилмоқда. «Абай», «Чашма», «Бинокор», «Мажнунтол» ва бошқа маҳаллаларда, «Сувмаш» акциядорлик жамияти, «Кока-кола» кўшма корхонаси, «Гулсино», «АКР» масъулиятли чекланган жамиятлари, «Қаҳрамон тўра», «Нигор Искандер», «Фарҳод» хусусий фирмалари — жами 23 та жойда суҳбат ва учрашувлар ўтказилди. Уларнинг қизиқарили ўтишида ва қўлланган мақсадга эришишда бosh муҳандис Иброҳим Салаев, усталар Виктор Исоқов, Мирзоҳид Мирҳакимов, Вали Раҳимов, Галия Иванова, Венера Пейгайларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Дуббуронларни текшириш ҳамда ноқонуний газ асбобларидан фойдаланишларни аниқлаш пайтида қандай носозлик ёки ўзбошимчиликлар ойдинлашди?

— Албатта, текширишлар чоғида 20 га яқин ноқонуний фойдаланишлар, ўзбошимчилик билан газ асбобини кўчиришлар аниқланди. Ана шундай ҳолатлар Машиаров кўчаси, 2/76-уйда яшовчи Эгамбердиева, 2/3-уйда истиқомат қилувчи Мадалиев, 1/63-хонадондан Тоҳиров, 1/51-уйдан Турғунов, Бойқаро кўчаси, 40-уйдан Тен, Соловьева кўчаси, 45-уйдан Мираҳмедов, Бектемир кўчаси, 60-уйдан Очиловлар томонидан содир этилганлиги аниқланди ва уларнинг газ асбоблари ўчириб қўйилди. Қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

— Утган йилги икки ойликдан кейинги вақт оралиғида туманда газдан ёнғин чиқиш ҳолатлари содир этилдими?

— Йўқ, бирорта ҳам бундай ҳолат содир бўлгани йўқ. Шу ўринда айтишим лозимки, ўтган йилда икки ойлик тадбирни ўтказиш бўйича туманлараро танловда 2-ўрин соҳиби бўлганмиз. Айна тадбир кунларида ҳам масъулиятни бир зум бўлаштирамай 56 нафар ходимимиз истеъмолчилар билан ҳамкорликда ишлашмоқда. Барча шахшаҳарларимизнинг хавфсизлиги ва киши мавсумда намунали хизматдан баҳраманд бўлишига қаратилган ушбу икки ойликда ҳар бир истеъмолчининг фаол иштироки ва носозликларни вақтида бартараф этиш, газдан фойдаланиш қоидаларига тўлиқ риоя қилиш фақат барчамизга фойда келтириб, табиий ҳис исрофгарчилигини камайтиришда, уни оқилона ишлатишда муҳим рол ўйнайди. Шу боис ҳам икки ойликдан самарали фойдаланайлик.

Шарифа ИЛЁСОВА

Транспорт

## ҲАҚИҚИЙ РАҚОБАТ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Пойтахтимиз аҳолисига хизмат кўрсатиш соҳаларидан жамоат транспорти алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда бу йўналишда давлатга қарашли автотранспорт жамланмалари қаторида хусусий тармок ҳам шаклланиб бораётгани йўловчилар талабини қондиришда айна муддао бўлмоқда. Бу борада шахримизда автобус, микроавтобус, такси каби транспорт воситалари ўртасида ҳақиқий рақобат бозори мавжудлигини кузатиш мумкин. Газетхонларимизнинг таҳририятга йўлланган тақлиф ва асталарига асосланган ҳолда ушбу мавзуда мушоҳада юритишни мақсад қилиб, Тошкент шаҳар транспортининг барча турларини мувофиқлаштириш маркази директорининг биринчи ўринбосари Нажмиддин ДАВЛАТОВ билан суҳбатлашдик.

— Мазкур марказ 2001 йилда пойтахтимизда йўловчи ҳамда юк ташиш транспорти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ушбу йўналишда монополияга қарши курашиш ва бозор иқтисодиёти шaroитида тенг рақобатни шакллантириш мақсадида ташкил қилинган, — дейди Н.Давлатов. — Ҳозирда хусусий тармокдаги жамоат транспорти 165 та йўналиш бўйича йўлга қўйилган бўлиб, шу жумладан йўловчиларга тўртта йўналишда — «Отайўл-м/24», қолганлари бўйича «Дамас», «РАФ 22-03», «Мерседес», «Форд» русумли кичик ҳажмдаги автобуслар хизмат қилмоқда.

— Лекин уларнинг айнан хизмат кўрсатиш сифати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу борада йўловчиларнинг эътирозлари ҳам йўқ эмас. Масалан, 135-йўналиш бўйича шидан уйга қайтиш вақти кеч соат еттидан кейин автотранспорт ҳаракати қисқартирилиши бевосита чипта нархларининг кўтарилишига сабаб бўлаётган экан. Аслида ҳамма бекатларда тартиб бир хил бўлса керак?

— Сир эмас, кўп ҳолларда йўллардаги автоҳалокатлар ҳайдовчиларнинг толиқиши, юриб кетаётган машинада уқлаб қолиши сабабли ҳам содир бўлмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳайдовчиларга иш соатини эрта билан соат 6.30дан кеч соат 19.30 гача

белгиланганмиз. Иш бор жойда албатта камчилик ҳам бўлади. Хусусий ҳайдовчилар учун тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш жараёнида ҳайдовчи ёнига ҳамроҳ олиши ҳақида тўхталиб ўтганмиз ва бу биз томондан йўл қўйилган камчиликдир. Айни пайтда ҳайдовчиларнинг иш соатини кенгайтириб, битта транспортни икки киши навбатма-навбат бошқариши лозимлигини режалаштирмоқдамиз. Ўйлаيمизки, бунинг натижасида юқорида билдирилган эътирозлар ўз-ўзиндан ҳал этилади.

— Йўловчилар тирбанд бўлган вақтларда ўн икки кишига мўлжалланган микроавтобусларга ундан ортиқ йўловчилар олинми, ҳар биридан тўлиқ чипта пули олиниши қандай назорат қилинади?

— Албатта, бу борада ҳар куни тегишли ишлар олиб бориладиган десак адашмаган бўламиз. Марказ раҳбарияти томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, «Тошшаҳарйўловчилар» акциядорлик компанияси ҳамда «Ўзавтодарё» агентлигининг шаҳар бўлими вакиллари билан ҳамкорликда хусусий транспорт воситалари фаолияти мунтазам равишда тасдиқланган режа асосида назорат қилиб борилади. Тўри, беш кўл баравар эмас. Ҳайдовчиларнинг ҳаммаси қонун-қоидаларга тўлиқ риоя этади дейиш қийин. Чипта нархига келадиган бўлсак, ўзаро тузилган шартномада қанда топширилган пул

миқдори аниқ кўрсатилган. Агарда, масалан, ёқилғи нархи ошса, шунга монанд хизмат кўрсатиш нархи ҳам кўтарилиши мумкин. Бошқа вазиятларда ҳайдовчи фақат чипта нархини пайсатириши мумкин, аммо кўтариш ҳуқуқи эга эмас. Дарёк, эътибор берган бўлсангиз, баъзи йўналишдаги микроавтобусларда чипта нархи 100 сўм миқдоридан белгиланган.

Тартиб-қоидаларга риоя этмасдан, хизмат кўрсатиш нархларини асоссиз равишда ўзбошимчилик билан оширадиган автомашина ҳайдовчиларига нисбатан шартноманинг 4-бандига биноан энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдоридан зарима солинади. Бунинг учун йўловчиларимиз ҳам фаол бўлсалар ва ҳар бир автомашина салоинида кўрсатилган 133-54-77, 133-34-87 телефонлар орқали марказга тегишли маълумот бериб бурсалар, бу борада қилаётган саъй-ҳаракатларимиз янада таъсирчан бўлар эди, яъни мавжуд муаммоларнинг олди олиниши ёки вақтида бартараф этилишида қисман бўлса ҳам ёрдам берган бўлардилар.

— Айтингчи, жамоат транспортида рақобат шаклланиши мумкинми?

— Албатта шаклланиши мумкин. Колаверса, бу жараён ҳозирда давом этмоқда. Қувонарли томони яна шундаки, хусусий тармокнинг сафи кенгайиб, йўналишлар ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

— Бироқ бизнигача, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш борасида ҳали қилинадиган ишлар кўп. Нима деб ўйлайсиз, ишдан чарчаб қайтаётганимизда, масалан, кўнгилга ёқмайдиган ҳар хил «замонавий» деб таърифланадиган кўшикларни ҳайдовчилар, «пастроқ қилинг» дейишингизга қарамадан, баланд товушда эшитишга мажбур қилишларининг олдини олиш мумкинми?

— Ҳақиқатан ҳам, кўпчилигимиз бундай ҳолатга тушганмиз. Ўйлаимки, бунда, юқорида айтганимиздек, йўловчиларнинг вақтида мурожаатлари энг мақбул таъсир чораси бўлиши мумкин. Уз навбатида, шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, йўловчилар ҳам транспортдан фойдаланаётганларида ўзига яраша муомала маданиятини сақлаб турсалар аъло бўлар эди. Ҳеч кимни камситмаган ҳолда мисол тариқасида хизмат сафарларида бўлиб, мени ажаблантирган баъзи нарсаларни келтириб ўтмоқчиман. Хусусан, Германия, Венгрия, Италияда жамоат транспорти ўриндиқлари полистилен билан қопланган. Балки, бу кимгадир қизиқ туюлиши мумкин, аммо салоннинг тозаллигига кишининг ҳаваси келади. Бекатлар гард юкмагандай озода. Бизда-чи... Аксарият йўловчилар тарқатилган чипталарни кўча у ёқда турсин, салонга ташлаб кетади. Ўриндиқлардаги ҳар хил ёзувларни гапирмасам ҳам бўлади. Автобекатларимизнинг аҳоли эса ҳаммамизга яши маълум. Демак, қарсикки қўлдан чиқадиган, деганларидек, авваламбор ҳар бир киши, у ким бўлиши ва нима иш қилишидан қатъи назар, виждонига қўлоқ солгани ҳолда ҳаракат қилмоғи лозим. Бу шунчаки баланддаража гаплар эмас. Фақат ҳар томонлама маданиятга эга бўла туриб, тўри хатти-ҳаракатларимиз орқали ўзгаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатишимиз мумкин.

Шаҳло ҲОШИМОВА суҳбатлашди.

Мабъийёт

## ИНСТИТУТНИНГ ЯНГИ ПРЕПАРАТИ

Ўзбекистон эпидемиология, микрология ва юкмули касалликлар илмий-текшириш институти лабораторияларида янги хил дори-дармонлар яратиш борасида самарали изланишлар амалга оширилмоқда.

Шифобахш хусусиятга эга бўлган препаратлар қатор муолажаларни амалга оширишда қўл келмоқда. Гептронг деб номланган янги дори ҳам ўзининг фойдали доривор востига эканлигини кўрсатди. Сарик касаллигининг айрим шакллари, жигар циррози, таксикоз каби хасталикларни даволашда у ижобий натижа беради.

Ҳомиладор аёллардаги қанд касаллиги муолажасида ҳам гептрондан фойдаланиш мумкин.

## ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтида ўқув машғулотларини олиб бориш билан бирга турли тиббий тадбирлар ҳам тез-тез ўтказиб турилади.

Бу ерда илғор тажриба мактаблари ҳам ташкил этилган. Институтнинг клиникаларида фаолият кўрсатаётган бундай марказлар бой тиббий амалиётларни омалаштириш билан ҳам шуғуллана бошладилар. Бемор аёлларни соғломлаштириш кабинетида ҳам қатор янгиликлар юз бермоқда. Улар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар поликлинника ва касалхоналар фаолиятини яхшилашга хизмат қилмоқда.

## БЎЛИМ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙДИ

Пойтахтимиздаги болалар маслаҳат-ташхис шаҳар марказида доплерография кабинети ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Турли сабаблар туфайли шикастланган болалар муолажаси билан шуғулланаётган бу бўлим замонавий тиббий аппарат ва техникаларга эга.

Патология хасталикларни даволашга хизмат қиладиган янги асбоб-ускуналар ҳам олинди. Бу эса доплерография соҳасида мураккаб муолажаларни ўтказиш имконини беради.

Акбар АЛИЕВ

Чилонзор туманини шахримизнинг жанубий дарвозасига қиёслашимиз мумкин. Туман ҳудудида бутун мамлакатимизга довури кетган улкан «Чилонзор буюм бозори», Жанубий вокзал бор. Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи эса ҳақли равишда нафақат пойтахтимиз, балки бутун мамлакатимиз бўйича энг файзли ва оромбахш дам олиш масканларидан бири ҳисобланади. Ўз фаолиятини доимо ривожлантириб борувчи, давр талаблари асосида иш кўрувчи ушбу боғда ҳатто шинам ва бежирим ҳайвонот бурчаги ҳам ташкил этилиб, дам олувчиларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Умуман, Чилонзор тумани ҳақида гап кетганда шунини айтиш мумкинки, авваллари сўлим дала боғлар узумзору жийдазорларга маскан бўлган тумандаги асосий қурилиш-тиклаш ишлари 1966 йилги зилзиладан кейин бошланиб, у тез орада гўзал ва обод гўшага айланди. Аввало шунини айтиш керакки, Мустақиллигимиз шарофати билан йилдан-йилга чирой очиб бораётган Чилонзор тумани пойтахтимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар ва янгиликларга юз тутаётган туман сифатида алоҳида ажралиб туради. Ҳозирги кунда тумanning умумий майдони 2994 гектардан иборат бўлиб, 49 та маҳаллада 238 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. «Катта Қозиробод», «Чилонзор», «Дўмбиробод», «Чарх Камолон», «Катортол», «Мевазор» каби маҳаллалар энг катта, файзли ва замонавий қиёфа касб этаётган гўшалардан ҳисобланади.

Мазкур туманда бунёдкорлик ишларининг самараси Олий Мажлис биноси, Алишер Навоий номидаги Миллий боғда яққол акс этса, Халқлар дўстлиги шоҳқўчасида кўркам, замонавий, мустаҳкам кўприк йўллари бир-бирига туташтириш, транспорт воситалари қатнови учун қулайликлар яратиш билан бирга, тигизликларнинг олди олинди. Зеро, халқимиз «Юрти обод элнинг кўнгли ҳам обод» деб бежиз айтмайди.

Тумандаги мухташам Халқлар дўстлиги саройи, кўплаб кўркам шоҳқўчалар, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Муқимий номидаги университет драма театри, Оперетта театри, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Гагарин номли кинотеатр, 3 та мусика ва санъат мактаблари, 2 та маданият саройи, 4 та маданият уйи, Фурқат номидаги марказий кутубхона, 12 та оммавий ҳамда 2 та катта бозор, мингга яқин савдо дўкони, 250 га яқин умумий овқатланиш корхонаси, обод гузарлар, «Отчопар» спорт мажмуаси, 247 та спорт иншооти, 3 та стадион, кўплаб очик спорт майдонлари, спорт заллари туман ободлиги ва халқ фаровонлигининг яққол далили ҳисобланади.

Сихат-саломатлик йилида тумандаги энг замонавий тиббий-техник асбоблар билан жиҳозланган, етук мутахассислар фаолият юритаётган В.Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий маркази, Гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти, Республика саломатлик маркази, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг марказий шифохонаси жамоалари аҳоли саломатлигини таъминлаш йўлида самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, 2001 йилда 1-Республика клиник шифохонаси таъмирланиб, жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган янги тиббий биноси қурилди ҳамда у Республика шошилинч тиббий ёрдам марказига айлантирилди. Ҳозирги кунда 7 та оилавий поликлиника филиаллари, 7-туғруқ мажмуаси, 2-шаҳар Перинатал маркази, 3 та диспансер, Давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази, тез ёрдам кўрсатиш станцияси, 2 та шифохонада чилонзорликларга намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда ва улар тиббиёт соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар сирасига киради.

Туман бўйича чакана савдо айланмаси 133 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 143 фоизга ошганлиги эътиборга молик. Жами йил бошидан буён 1956 та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, жумладан, улардан 1332 таси кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келмоқда. «Совластитал» қўшма корхонаси, «Алгоритм» очик акциядорлик жамияти, «PGS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, «8-темир-бетон буюмлари заводи» каби корхоналар нафақат туман, балки пойтахт, республикамиз иқтисодиёти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Албатта шундай янгилаштиришга юз тутган файзли туманда «Оқшом» газеталари жамоаси билан учрашув ҳам кизгин мулоқотлар, кизкарли савол-жавоблар, ўринли тақлиф-мулоҳазалар билдирилган ҳолда ўтди. Энг муҳими, очик мулоқотга йиғилган туман фаоллари, қолаверса «Оқшом» газеталарининг мухлисларидан бирортаси бефарқ эмасди. Уларнинг чиқишларидан шахримизнинг кечки газеталарини севиб мутолаа қилишларини, ҳар бир муштарийнинг ўзига ёқадиган рукн ва мавзулари борлиги ойдинлашди.

Очик мулоқотни олиб борган туман ҳокими Хусниддин Маҳкамов «Оқшом» газеталари хусусида тўхталар экан, шаҳар ҳаётидаги янгиликларни тезкор ҳолда фактларга бой равишда ёритиш, долзарб муаммоларга доимий эътибор қаратиб бориш, республикамизда ва кўрраи заминда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни қисқа ва лўнда тарзда мун-

тазам бериш нашрининг ўзига хос жиҳатларидан эканлигини алоҳида таъкидлади. Газеталарнинг ҳафтасига беш марта чоп этилиши эса ҳафта давомидаги юз бераётган воқеалар, янгиликларни қамраб олишга имкон беришни қайд этди. Албатта, бошқа туманлар қатори Чилонзор ҳаётини ҳам мунтазам ёритиб борувчи «Оқшом» газеталарига обуна бўлиш ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса учун фойдадан холи эмас.

қамраб олишга ҳаракат қилинаётганини айтиб ўтди. Чунинчи, кўпчилик ёшларнинг кўнгличар мавзуларга қизиқишларини эътиборга олган ҳолда келаси йилдан шанба кунлари «Шанба оқишми»да дам олиш иловасини чоп этиш режалаштирилмоқда. Баъзан газеталар обуначилар қўлига кеч этиб борапти. Бу нарса таҳририятга боғлиқ бўлмасда, келаси йилдан ушбу камчилик ҳам бартўф қилинади. Энг муҳими, «Оқшом» газеталари икки

Куйида мулоқот иштирокчилари томонидан билдирилган айрим қизиқарли мулоҳазалар, ўринли тақлиф ва ўзига хос фикрларни келтириб ўтаемиз.

**Муаттар СОДИКОВА,**  
туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— «Оқшом»ни пойтахт ҳаётини тезкор ва ҳаққоний тарзда ёритадиган газеталар деб ҳисоблайман. Масалан, «Қисқа сатрларда» рукни остида дои-

оз эмас. Кўпчилиги ишга киришни истаса ҳам кимга мурожаат қилишни билмайди. Шаҳар «Тадбиркор аёл» уюшмаси мутасаддилари иштирокида давра суҳбати ташкил этилса аёлларимизнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига ёрдам беради, деб ўйлайман.

Сихат-саломатлик йилида шу мавзудаги саҳифа яхши чиқяпти, кўп фойдали маслаҳатлар берилган материалларни қирқиб олиб қўйяпмиз. Бу борада мавжуд муаммолар ҳам ёритиб борилса деган ниятдаммиз.

**Дилобар ИСЛОМОВА,**  
«Нўғойкўрган» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:

— Маҳалламиз асосан кўп қаватли уйлardan иборат бўлиб, 9,5 минг аҳоли истиқомат қилади.

Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонларидан сўнг «Оқшом» газеталари унинг ижросини мунтазам ёритиб борди. Бу борада бизнинг маҳалламизда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Истардимки, газета саҳифаларида кўп қаватли уйлardan ташкил топган маҳаллалар фаолияти, айниқса хотин-қизлар комиссиялари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар тажрибаси кенгроқ таништириб борилса.

Коммунал соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш юзасидан давлатимиз раҳбарининг бир қатор Қарор ва Фармонлари моҳиятини кенг оммага тушунтириш, бажарилаётган ишларни кўрсатиш масалаларига ҳам «Оқшом» газеталарида муҳим эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб ўтишни истардим.

**Қилчбек НОРМУРОДОВ,**  
Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи:

— Туманда 123 та профилактика инспекторлари, 49 та маҳалла сардорлари бор. Маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари билан ҳамжиҳатликда ишлаяпмиз. Айниқса сардорлар маҳалла ҳаётига сингиб кетган бўлиб, улар ширкатлар ҳамда стадион, спорт майдончаларига яқин ерда фаолият юритишади. Кўпинча маҳалла болаларини спорт билан шуғулланишга жалб этиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашишади. Аҳоли билан яқин муносабатларнинг ўрнатилганлиги эса хавфсизликни таъминлашда яхши самара бермоқда. Ходимларимиз «Оқшом» газеталарини севиб ўқишади. Айниқса «Жиноят жазосиз қолмайди», «Ҳукм

ўқилди», «Қонун барчага баробар», «Қилмиш — қидирмиш», «02»: ҳодисалар», «050»: қутқарув хизмати хабарлари» каби рукнлар остида материалларнинг мунтазам бериб борилишини газетанинг ютуқлари қаторига қўшамам.

Тақлифим шуки, профилактика инспекторлари, сардорларнинг маҳаллаларда ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари кўпроқ ёритиб борилса.

**Шухрат ЧОРШАНБИЕВ,**  
«Маҳалла» жамғармаси туман бўлими бош мутахассиси:

— «Оқшом» газеталарида «Маҳалланг — ота-онанг» кўш саҳифасининг мазмунли, янгиликларга бой материалларга тўлиқ ҳолда чоп этилишидан мамнунмиз. Ҳатто газетанинг битта сонидида 6 та туман ҳаёти қамраб олинганлигининг гувоҳи бўлдик. Айниқса маҳаллаларда амалга оширилаётган ободонлаштириш, кўкчаларнинг яшиландириш ишлари, хашарларнинг аниқ далиллар билан ёритилиши қувонарли ҳолдир. «Ишга марҳамат» саҳифасини ҳам мунтазам ўқиб борамиз.

Маҳаллаларимизда жонқур фармонлар, саховатпеша инсонлар кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг фаолиятлари ибрат тарзида ёритиб борилса, тажрибалари билан танишсак нур устига аъло нур бўларди.

**Обиджон АҲМЕДОВ,**  
«Шарқ тонги» маҳалласи оқсоқоли:

— Ўн беш йилдан буён маҳалла фаоли, 9 йилдан буён эса фуқаролар йиғини раисиман. «Тошкент оқишми» газетасини доимо ўқиб бораман. Бунёдкорлик ишларини энг яхши ёритадиган газета деб ҳисоблайман. Қишга тайёргарлик бўйича материалларни ҳам синчиклаб ўқиб бораман. Газетада спорт мавзусини ёритишга катта эътибор берилиши ҳам тўғри. Шахсон ўзим ўтган йили Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлганлигини газетада ўқиб, ўзбек фарзандининг оламшумул галабасидан жуда фахрланганим. Ҳозир-жавоб газета. Янги Фармон ёки қарор чиққанидан сўнг тез орада унга оид мақола берилганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, муаллифларнинг кўп бўлганлиги яхши. Чунки ҳар кимнинг ўз фикри, мулоҳазаси бор.

Келгусида мавзулар доирасини кенгайтириб, маънавий кадрларимиз ҳақидаги мақолаларни кўпроқ бериб боришингизни истардим...

Дилдан учрашув чоғида юқоридаги каби ўринли тақлифлар кўплаб билдирилди. Ижодий ҳодимлар билан йирик корхона ва ташкилотлар, айниқса маҳаллаларда учрашувлар ўтказиш юзасидан тақлифлар тушди. «Оқшом кутубхонаси» туркумида чоп этилган ҳикматлар ҳазинасидан иборат «03-03 ўрганиб доно бўлур» китобчасининг тарқатилиши эса йиғилганларни беҳад мамнун этди.

**Диллуд ИСРОИЛОВ**  
СУРАТЛАРДА: тумандаги янгилашлар ҳамда ўтказилган учрашувдан лавалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

## «Оқшом» газеталари — 2006 йилда ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА «ОҚШОМ» ХОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ



Табиики, муштарийларни ўзлари обуна бўлишни ният қилган, доимий равишда мутолаа этиб борадиган нашрининг келажақдаги режалари, «кутилмаган совға» каби ўйлаб қўйган янги рукн ва мавзулари кизиқтиради. Шу ҳақда тўхталар экан «Оқшом» газеталарининг Бош муҳаррири А.Ақромов 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган муштарийлар учун мўлжалланган шаҳар нашрида имкон қадар турли-туман мавзуларни

тилда чиққани билан бир-бирини такрорламайди. Ҳар доимгидек, шаҳар ҳаёти ёритишда фуқароларнинг тақлиф-истаклари ҳам инобатга олиб борилади.

Дарҳақиқат, ҳозирда мамлакатимизда 700 дан ортик вақтли матбуот нашрлари бўлса, улар орасида «Оқшом»нинг ҳам ўз қиёфаси, тутган ўрни борлигини учрашувда сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаб ўтишди.

мий равишда бугун, эртага, индинга шахримиз туманларида қандай янгиликлар рўй бериши билан олдиндан танишиб бориш имконияти мавжуд.

Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи тобора ошиб бормоқда. Ана шу мавзулар газетада қизиқарли, бир-бирини такрорламайдиган тарзда ўз ўрнини топаётганидан хурсандимиз.

Шунини айтиш керакки, шахримизда уйда ўтириб қолган аёллар ҳам

ширкатлар ҳамда стадион, спорт майдончаларига яқин ерда фаолият юритишади. Кўпинча маҳалла болаларини спорт билан шуғулланишга жалб этиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашишади. Аҳоли билан яқин муносабатларнинг ўрнатилганлиги эса хавфсизликни таъминлашда яхши самара бермоқда. Ходимларимиз «Оқшом» газеталарини севиб ўқишади. Айниқса «Жиноят жазосиз қолмайди», «Ҳукм

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД**  
Домо бўлар...

- Яхши дўст туганмас хазина.
- Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч, фироқидан ортиқроқ гам йўқ.
- Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўста айлансин.
- Агар одам ўз ҳаёт йўлида яхши танишлар орттирмав экан, у тезда яккалаб қолади.
- Кимки нуқсонсиз дўст ахтарса, дўстсиз қолади.
- Дўстан кенгандан кўра сўздан кечган яхши.
- "Қобуснома"да дўст танлаш ҳақида шундай дейилади: Эй фарзанд, билгинки, то киши тириқдир, дўстсиз бўлмамай. Кишининг дўстсиз бўлганидан биродарсиз бўлгани яхшидир. Бир доғнишманддан сурадиларки: «Дўст яхшими, биродар?» Донишманд деди: «Дўст яхши».

Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қил. Чунки ҳар кишининг дўсти кўп бўлса айблари ҳам ошқор бўлмайди, фазилати кўпаяди. Лекин янги дўстни топганидан эски дўстингдан кечмагин. Улардан юз ўғирмагин, токи ҳаммаша дўстинг кўп бўлсин. Масалан, шундай деганларки, яхши дўст кишига улугъ давлатдир.

Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагин, ақлсиз дўст ақли душмандан ёмонроқдир. Ақлсиз дўст шундай иш қиладики, ақли душман уни қила олмайди. Олижаноб, мурувватли, илмли, вафоли кишиларни дўст тутгинки, сен ўзининг мурувватинг, шафқатинг, илминг билан машхур бўлғайсан. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, илмсиз одамлар билан ўтирмагинки, бундай одамлар билан ўтиришдан кўра танҳолик яхшидир. Дўстларнинг ҳаққини асло бекорга кетказмагин, токи сени маломат қилмасинлар.

Қашшоқ бўлсанг, бадавлат билан дўстлашмагин, чунки қашшоқни ҳеч ким дўст тутмайди. Ўзинга лойиқ дўст ахтаргин. Агар сен бадавлат бўлсанг, қашшоқни тутсанг раводир. Аммо халқнинг дўстлигига кўнглири нотутгин, токи ҳамма ишларинг тўғри бўлғай. Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч қандай сабабсиз сендан қолса, яна қайтадан унинг кўнглини овлашга ҳаракат қилгин, таъмали, кин адоватли дўстан узоқ бўлиши, унинг дўстлиги ҳақиқий эмасдир, балки таъма учундир. Ҳасадли кишиларга асло дўст бўлмагин, кин, адоватли киши дўстликка лойиқ эмасдир.

**Байт:**  
**Яхши дўстинг сенга ёмон истаса, Ундан юз ўғир ё бардошла сўзла.**  
**У билан олишма, сўкма, тортишма, Шунда ҳам ярашиш йўлини кўзла.**

- Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.
- Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган, энг мустаҳкам муҳаббатдир, шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиш жиҳатидан одамнинг энг муҳим ва энг ҳаётбахш туйғусидир.



"Қамолот"

## ЕТАКЧИЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Бугунги кунда мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини "Қамолот" ЁИХ фаолияти ва ушбу ташкилот доирасида олиб борилаётган ишлар кўламинисиз тасаввур этиш қийин.

"Бунёдкор" ёшлар телеклубида "Қамолот" ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан пойтахтимиздаги барча олий ўқув юрталари "Қамолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилар Кенгаши аъзолари учун икки кун давомида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Анжуманда ҳаракат дастури, низоми ва тарихий саналар, мазкур тизимни янада мукамаллаштириш, соҳага тегишли меъёрий ҳужжатлар бўйича батафсил тўхталиб ўтилди.

— Семинарда 224 нафар "Қамолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилари иштирок этди, — дейди "Зиёкор" маркази мутахассиси Шахло Хошимова. — Гап шундаки, бугун бу ерда ҳаракатнинг олдига қўйган мақсад ва вазифалари дастур ва низоми доирасида кўриладиган ишлар юзасидан кўрсатмалар берилмоқда. Бундан

ташқари кейинги иш режаларимизда бундай йўналишдаги йиғилишларни ўтказиш ўтган ўқув йилидан бошланганди. Бу йилги учрашувларда эса етакчиларнинг фаоллиги ошганлиги сезилди. Албатта, уларнинг фаоллашувида "Зиёкор" маркази раҳбари Ирода Абдуллаева, "Қамалак" маркази раҳбари Лола Ҳасанова, Сергели туман болалар ташкилоти раиси Гулнеҳра Жаъфароваларнинг саъй-ҳаракатлари катта ўрин тутди.

Бир сўз билан айтганда мазкур фойдали семинар етакчиларни янада фаол ишларга ундаши табиий.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**  
**СУРАТЛАРДА: семинардан лавҳалар.**  
**Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.**

### Мағбирлар

## ТИЛАГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Тошкент алоқа касб-хунар коллежида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 16 йиллиги муносабати билан «Давлат тили-фахримиз, гуруримиз» деб номланган театрлаштирилган байрам тadbирли ўтказилди.

Тadbир Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими, "Миллий тикланиш" демократик партиясининг туман Кенгаши ҳамкорликларида ташкил этилди. Байрам тadbирини Тошкент алоқа ва касб-хунар коллежи директори Саидмахмуд Акбаров кириш сўзи билан очиб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигини нақадар муҳим воқеа эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Алишер Навоий номли адабиёт музейининг етакчи ходими, филология фанлари номзоди Юсуф Турсунов ва кўплаб бошқа мутахассислар тилимизнинг маънавиятимиз, кадрларимиз даражасига кўтарилганлигини, мақоми тобора юксаклини бораётганлигини таъкидлашди. Дарҳақиқат, мустақилликка эришганимиздан кейин давлатимиз босиб ўтган йўл — сиёсий-ижтимоий соҳалардаги тараққиётнинг асосий мезони кўп жиҳатлари билан тилимизга боғлиқдир. Ёш авлодни тилга меҳр, ҳурматли бўлишга чорловчи мана шундай тadbирлар алоҳида аҳамиятга эга.

Тadbирда коллежнинг 1-босқич ўқувчилари ижросида театрлаштирилган саҳна кўринишларида ўзбек тилининг бой тарихий тараққиётига эга эканлиги, унинг ҳаётимиздаги моҳияти очиб берилди. Буюк бобоқалонларимиз Мир Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Жалололдин Румийларнинг асарларидан парчалар ўқилди, мушоиралар ўтказилди. Айниқса, "Сўзлар баҳси" саҳнасида ўқувчилар буюк бобоқалонларимизнинг меҳр-муҳаббат, забон мавзуларидаги шеър уқувчилари билан ўқилди.

Тadbир давомида ҳар бир талаба-ўқувчи ўзбек тилининг моҳияти унинг серқирралиги, бой тарихий меросга эгаллигига янада кўпроқ ишонч ҳосил қилди.

— Ҳар бир инсоннинг тилига эътибори, элига эътиборидир, — дейди Тошкент алоқа касб-хунар коллежи "Маънавият ва маърифат" ишлари бўйича масъул ходими Азиза Обидова. — Инсон ўз миллий тилини қанчалик муҳамал билса, уни қадрласа, ҳеч қачон кам бўлмайди. Биз ҳам коллеж ўқувчиларига бу ҳақда доимо ўқитиб борамиз, боболаримиз ёзиб қолдирган мерос—бебаҳо асарларни мутлола қилишларига чорлаймиз, тилимизга бўлган юксак эътибор, Давлат тили мақоми берилган кунни доимо аънаванай байрам тadbирлари билан нишонлаймиз. Шу жумладан, навбатдаги байрам тadbирини биз ўқувчилар учун энг қиройли мазмунли иншоолар, деворий газеталар танловини эълон қилдик. Танловимиз голиблари албатта совға-саломлар билан тақдирланади.

Юлдуз УСМОН

Холик китобларини ва рақлаб ҳечам ўқигиси келмади. Тўғри-да, қандай қилиб кичкинагина бошига сиздирди, шунча ёзувлар, шунча сўзларни...

— Э, бор-е, сени ўқиб олим бўлармидим? — Холик шундай дея "Табиатшунослик" дарслигини иргитиб юборди. "Икки" баҳо қўйишса кўяра, барибир тушунма-ялман.

Шу топда бир қизиқ ҳодиса рўй берди, нега деганда ҳалиги китоб бўшлиқда муаллақ тураверди.

шунақа нордон бўлади, шеклили. Майли охиригача инаверай-чи...

Синф. Биринчи дарс табиатшунослик экан. Йўқлама тугагач, ўқитувчи сўради:

— Ўтган мавзунни ким гаприб беради?

— Мен! — деди энг охириги партада ўтирган Холик ўқитувчи руҳсатини ҳам кутиб ўтирмай ўриндан туриб. Синфдошлар бир-бирларига елка учириб қўйишди.

— Марҳамат, Усаров!

Холик дадил-дадил юриб,

...Холик ҳар гапида дарсликлардан қондалар, шеърлар айтиб юрадиган бўлиб қолди. Айниқса, ўз фикрини ҳеч кимга айта олмай роса қийналди.

Бир кунни дарсхонасида боши қотиб ўтирганнида рўпарасида Ибн Хаттоб пайдо бўлди:

— Ҳа, бўталоғим, сенга нима бўлди?

— Жон бобоҷон, сиздан илтимои қиламан, мени ўз ҳолатимга қайтаринг! Қайтаринг!

— Усулим бўлмадимми?

### Болалар адабиёти бурғачи

## СЕҲРМИ, МЕҲРМИ?

Фантастик ҳикоя

Холик кўзларини юмиб, ишқалай-ишқалай очди.

— Қизиқ, ҳеч ким уни ушлаб тургани йўқ-ку, нега ҳавода туриб қолди? — ҳайратланди у.

Китоб рўпарасида, сув бетиде қалқиб тургандай оппоқ салла кўринди.

Қўлидаги ушлаб турган "Табиатшунослик"ни тоқмага қўйиб, бош қаёқда: — Бўталоғим, сен китобдан фойдаланиш йўлини билмас экансан. Мен сенга ёрдам беришим мумкин. Фақат бунақа улоқтирма...

— Йўли... Қандай қилиб? — Холик қароватдан сакраб тушди, у қаршида содир бўлаётган мўъжизани ҳам унутганди.

— Дарсликларинг кастриолкага солиб, қайнатиб ичасан. Мана бу дорини ҳар битта китобга бир чой қошиқдан қўшасан.

Шундай қилиб у кўздан ғойиб бўлибди.

"Усаров беш!" Усаров беш! Усаров чикмасан ҳам бўлади, беш! Аълочи ким? Усаров! Холик ширин халларидан яйраб, ўзи тайёрлаган ғалати суюқликка чол берган дорини қўшиб, симира бошлади. Бирдан афти буришиб кетди: — Ҳамма яхши дорилар

доскага чикди:

— Тайёрман! Ҳоҳлаганингизни сўрайверинг!

— Қани, бошла, Усаров! Ернинг қуёш атрофида айланиши...

— Ернинг Қуёш атрофида айланиши, масалан, сўроқ гап деб... "Гурр" кули кўтарилди.

— Тўғри-да, тенгламани ечиш, унинг илдизлари тўпламини топиш демакдир.

— Тўхта, тўхта, нима дейясан?

— Ия, икки сон йиғиндиси га учинчи сонга ўқинчи ва учинчи сонлар йиғиндиси қўйиш мумкин. Нега ишонмайсиз? Куликков жангини ўқимабсиз-да.

— Ҳозир таб...

— Ахир ёзиб қўйибди-ку, гап иккига бўлинади деб, бири содда гап, бири қўшма гап.

— Усаров!

— Бунақада, Ернинг Қуёш атрофини бир марта айланиб қиқши учун кетган вақт йил дейлишига ҳам ишонмасангиз керак?!

— Нега ишонмайман...

— Унда, мана эшитинг, ўзбек халқ эртаги "Зумрад ва Қиммат"...

— Бас! Ўтир, асингни ебсан!

Ёқмадимми?

Холик бўлган воқеаларни ҳаммасини бошдан-оёқ гаприб бергандан сўнг, Ибн Хаттоб қаҳ-қаҳ отиб қулди:

— Ҳаммасини битта қилиб ичибсанда, болом.

Навбат билан солиш керак эди. Майли, мана яна ўша доридан: фақат буларни навбат билан солсанг...

— Йўқ, йўқ, керак эмас!

Менинг бошимга ўрнашиб қолган ўша дарслик мавзуларини чиқариб ташла-сангиз бас! Бошқа ҳеч нарса керак эмас!

— Унда, бўталоғим, ўша китобларни бир мартадан қунт билан ўқиб чиқсанг, ичингдигилардан халос бўласан, ўзингда ҳам етарлича тушунча қолди. Менинг усулим керак бўлмас, майли мен кетдим.

— Раҳмат! — деди Холик қутулишинг энг осон йўлини топганидан севинчи ичига сизга.

Кейин у столга барча дарсликларини териб қўйиб, навбат билан ўқига киришди.

Чол сеҳридан қутулганига суюниб, меҳр билан ўқига иштиёқи зўрайди. Ҳамма ўқигани ёдида қола бошлади. Ана шундай қилиб сеҳрдан меҳр устун келди.

Зоир ТУРСУНОВ

## Марҳуми минбари

## ЯПОНИЯДА ПОЧТА ТИЗИМИ ХУСУСИЙЛАШАДИ

Япония парламентининг куйи палатаси мамлакат почта тизимини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Энди лойиҳа бир ҳафтадан сўнг юқори палатага тақдим этилади. У ерда ҳам бош вазир Жунъитиро Коидзумининг тарафдорлари кўпчилиكنи ташкил қилишини ҳисобга олсак, мазкур лойиҳа юқори палата тасдиғидан ўтишига шубҳа йўқ.

Почта тизимини хусусийлаштириш масаласи кейинги икки ой ичида мамлакат сиёсий ҳаётида анча-мунча ўзгаришларга сабаб бўлди. Август бошида ҳукумат тақдим этган қонун лойиҳаси парламент тасдиғидан ўтмагач, Ж.Коидзуми куйи палатани тарқатиб юборишга мажбур бўлди ва муддатидан аввал сайлов ўтказишга фармойиш берди. 11 сентябрь куни ўтказилган сайловда Ж.Коидзуми раҳбарлик қилаётган Либерал-демократик партия (ЛДП) ва унинг иттифоқдоши Комэйта партияси ғалаба қозонди.

Сайловдан сўнг қайта сайланган бош вазир янги таркибдаги парла-

ментнинг навбатдан ташқари сессиясида яна почта масаласини кўндаланг кўйди. Илгари ЛДПнинг айрим депутатлари «почта тизимини ислоҳ этиш партия обрўсини туширишга олиб келади, қолаверса, халқнинг ҳукуматга ишончи йўқолиши мумкин» деган хавотир билан унинг иқтисодий ислоҳотларини маъқулламаган бўлса, янги сайланганлар лойиҳани бир овоздан тасдиқлади.

Японияда почта тизими иқтисодиётнинг жон томирларидан бири саналади. 25 мингта бўлинмадан иборат почта хизматининг жами омонат ва сугурта ҳисоб рақамларида қарийб 3 триллион АҚШ доллари миқдори-

да маблағ сақланади. Ж.Коидзуми давлат бундай йирик маблағдан унумли фойдалана олмаяпти, шунинг учун уни хусусий компанияларга топшириш керак, деган фикрда.

Иккинчи бор тақдим этилган қонун лойиҳасида ҳеч бир ўзгариш йўқ. Фақат унинг ижроси, яъни почта тизимини хусусийлаштириш олти ой кейин, 2007 йилнинг апрель ойидан бошланадиган бўлди. Режага кўра, почта хизмати тўртта бўлинади ва миллий холдинг компанияси назоратида ўтади. Уша йилнинг октябрдан то 2017 йилгача мазкур компания барча почта акцияларини хусусий мулкдорларга сотиш билан шугулланади.

Хуллас, Ж.Коидзумининг иқтисодий режаларидан бири амалга ошадиган бўлди. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ҳозир почта тизимида 260 минг одам хизмат қилади. Кузатувчиларнинг фикрича, хусусийлаштириш жараёни бошлангандан кейин тармоқда иш ўринлари қисқариб кетиши мумкин. Ҳукумат эса бундан хавотир олаётгани йўқ. Зеро, йирик почта тизимини бутунлай хусусийлаштириш мамлакат иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси

## Марҳуми минбари

## ХИТОЙ КОИНОТНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

12 октябрь куни хитойлик фазогирлар навбатдаги, мамлакат тарихидаги иккинчи парвозни амалга оширди. Шу кунларда барча маҳаллий телевидение ва газеталарнинг диққат-эътибори шу воқеага қаратилган.

Хитойнинг фазовий қахрамонлари энди учта бўлди. Фэй Цзюньлун ҳамда Не Хайшэн биринчи фазогир Ян Ливей қатори миллат фахри сифатида тилга олинмоқда. Шунингдек, матбуотда Ички Мўғулистон вилоятининг Отоғ Ци округида яшайдиган чўпон киз - Лянь Хуангин жасорати ҳақида ҳам бот-бот гапирилмоқда.

«Шэньчжоу-6» фазовий кемасига старт берилгач, кемани орбитага олиб чиқиш кўйган «Кайточже-2» ракетаси ўн дақиқадан сўнг ундан ажралди. Шунда кемандаги аппаратларнинг дастлабки ҳолатини ёзиб олувчи махсус қурилма ҳам борддан ажралиб, парашют ёрдамида ерга, Отоғ Ци худудига келиб тушган. Бу қурилма Хитой фазовий тадқиқотлар агентлиги учун ниҳоятда қимматлидир. Унинг ёрдамида парвознинг дастлабки босқичи тўғрисида муҳим маълумотлар олиш мумкин.

Қурилмани чўпон киз топиб олгач, дарҳол маҳаллий ҳокимият идораларига хабар берган. Бу хизмати учун Лянь Хуа бир зумда бутун Хитойга машҳур бўлиб кетди.

Мутахассисларнинг айтишича, парвоз ҳозирча рисоладагидек давом этапти, кемандаги барча тизимлар ишлаб турибди. «Шэньчжоу-6» орбитадаги ҳолатини ернинг тортишиш кучига мослаштиришга қаратилган мураккаб ҳаракатларни муваффақиятли амалга оширди.

«Шэньчжоу-6»нинг парвози беш кунга мўлжалланган эди. Синьхуа ахборот маҳкамаси хабарларига қараганда, парвоз муддати уч кунга қисқариши мумкин. Фазогирлар ерга шанба куни эрталаб қайтиб тушиши эҳтимоли бор.

Кузатувчиларнинг фикрича, иқтисодий жабҳада жадал ривожланиб бораётган Хитой ушбу парвоз билан фазовий соҳада ҳам айрим қудратли давлатлардан қолшимаслигини исбот этди. Бу кетишда хитойликлар яқин келажақда коинот тадқиқотлари борасида ҳам ўзининг нуфузли ўрнига эга бўлиши турган гап.

**Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси

## Шифокор оғоҳлантиради

## МАККОР ХАСТАЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ

Сил хасталиги инсониятга азал-азалдан маълум. Қадимги Мисрда мўмийланган жасадлари олимлар текширилганларида силга хос ўзгаришлари аниқлашган. Бу дахшатли касаллик минглаб одамларнинг ёстигини қуритиб, катта иқтисодий ва маънавий зарар етказган. Инглиз роҳиб Жон Буянян силни бекорга «ўлимга маҳкум хасталиклар армияси сардори» деб атамаган.

җамиятимиз равнақиға равнақ қўшадиган 20-40 ёшгача бўлган шахслар хасталанаётгани, сил уларни ногиронларга айлантириб қўяётгани фожиа эмасми? Узининг соғлиғига совоконлик қилиб дардни яшириб, лекин иситмаси ошқор қилганда 10 ойгача меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик варақасида юрганлар давлатимизга, җамиятимизга қанчадан тушмоқда?

Сил билан хасталанишда фақатгина сил микроби эмас, балки инсон организми ҳолати, унинг соғломлиги, касалликка қарши курашиш қобилияти катта аҳамиятга эгадир. Сил билан хасталанишга, унинг авж олишига туртки берадиган омилларга қандли диабет, ошқозон ва 12 бармоқ ичак яраси, ўпканинг сил бўлмаган су-

рункали яллиғлашиш касалликлари, аёлларда тез-тез ҳомиладор бўлиш каби ҳолатлар қиради. Илмий маълумотларга асосан сил хасталиги спиртли ичимликлар, нашавандликка муккасидан кетган шахсларда 2-2,5 баравар кўпроқ учраб оғир кечади.

Сил хасталигининг тиббиётда маккор, айёр хасталик деб ном олишига асосий сабаб бу унинг яширин, белгиларсиз ёки турли-туман касалликлар ниқобида кечишидир. Бу билан сил нафақат беморларни, баъзида шифокорларни ҳам чалғитиб қўяди. Сил хасталиги асосан 90-95 фоиз ўпкани шикастлайди. Юқорида қайд этилганидек, сил барвақт, ички кўринишлари кам белгилар ёки умуман ҳеч қандай ўзгаришларсиз яширин кечиши, баъзида диспан-

серизация кўригида ўпкасида флюорография назоратида сил хасталиги топилган беморлар «мен қанақасига сил бўлман, соғла-соғман, йўталмасам, ҳеч қаерим оғримасам», деб шифокорларга ишонмаслик, даволанмаслик ҳолатларига ҳам олиб келади.

Кўпинча сил белгилари грипп, бронхит, зотилжам каби хасталикларни эслатиб, ушбу касалликлар ниқоби орқасида кечади. Тажрибали шифокорларимиз бекорга силни турлутуман тусланадиган хасталик деб аташмаган.

«Сил хасталигининг давоси борми? Ундан соғайиб кетиш мумкинми?», деган саволга жавоб беришдан олдин бир масала устида тўхталиб ўтмоқчимиз. Халқимиз орасида «Сил бедаво дард. Сил насл суради. Силга дучор бўлган бемор бир умр бу дардга маҳкум», деган нотўғри бир фикр бор.

Ҳозирги замон тиббиёт фани, амалий тиббиёт соҳаси имкониятлари нафақат сил каби дарддан тузатиш, балки умуман соғайтириб ҳеч нарсга кўрмагандай қилиб юбориш, силнинг олдини олиш имкониятларига эга.

**Ф. ТОШПҮЛТОВА,**  
Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтининг олий тоифали шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

## ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



*Ҳурматли шибилармон ва тадбиркор жаноблар!*

## «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига тақлиф этади

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ДАВЛАТ ОБЪЕКТЛАРИ ҚЎЙИЛАДИ:**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 31-уй манзилида жойлашган уч қаватли бинонинг умумий майдони 1257 кв.метрга тенг бўлган қисми.  
Бошланғич нархи — 42 145 799 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кўнида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,  
Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

**Спорт**

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ**

Авал хабар берганимиздек, Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуасида ёзги биатлон бўйича Осиев очик чемпионати бахслари ниҳоясига етди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг Марказий Кенгаши, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ҳамда «East telekom» кўша корхонаси томонида ташкил этилган мажмуа нефузели мусобақаларда беш кун давомида Россия, Япония, Туркия, Жанубий Корея, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия ҳамда мамлакатимиз спортчилари ўқ отиш ва югуриш бўйича юқори натижаларни кўрсатганлари ҳолда ғалаба учун кураш олиб боришди. Турнирда эркаклар ва ёшлар, аёллар ва қизлар ўзаро баҳс юриштиди.

Чемпионатнинг дастлабки кунги натижалари хусусида ўтган сонларда тўхталиб ўтганлигимиз сабабли сўнгги кунда ўтказилган оммавий старт мусобақалари ғолиб ва совриндорлари билан таништирамиз.

Бу гал ҳам эркаклар ўртасида беш карра жаҳон чемпиони Дмитрий Никифоровга тенг келадиганлар топилмади.

Қувонарли томони шундаки, ёшлар баҳсида ҳамюртимиз Руслан Носиров жуда аjoyиб спорт формасида эканлигини яна бир карра исботлаб, ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан жой олди. Яна бир ўзбекистонлик спортчи Мурод Ҳожибоев эса иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Аёлларимиз ҳам мусобақанинг сўнгги кунда юқори натижаларни кўрсатганлари ҳолда қатор совринли ўринларни банд этишди. Хусусан, қизлар турнирида Динора Мидикова ва Зарема Мамедовалар фахрли 2 ва 3-ўринларни эгаллаб кумуш ҳамда бронза нишонлари билан тақдирланган бўлсалар, аёллар беллашувидан олтин медаль Қозоғистон вакиласи Людмила Колпаченкога насиб этди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз ёзги биатлончилари жами тўртта олтин, шунча кумуш ва учта бронза нишонларини қўлга кириштишга ҳолда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Учтадан олтин, кумуш ва бронза медалларига эга бўлган Россия терма жамоаси иккинчи, жами 6 та медалнинг соҳиби бўлган қозоғистонликлар учинчи ўринларни банд этишди.

(Ўз мухбиримиз)

**Муайтай**

**ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИДА — ЭНГ КУЧЛИЛАР**

Шаҳримиздаги ўзбек Давлат цирки уч кун давомида шарқ яққакурашининг муайтай тури илосмандлари билан гавжум бўлди.

Зеро, Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида саксонга яқин энг кучли муайтай усталари ғалаба учун кураш олиб боришди. Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Андижон, Наманган, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган спортчилар 45 килограммдан бошлаб 81 килограмм ва ундан юқори вазнларда — жами 11 та вазн тоифасида шиддатли ва кескин курашлар олиб бориб, мухлислари ўз бой маҳоратларидан баҳраманд

этишди.

Айниқса, 17 ёшли пойтахт вилояти вакили Сардор Ҳамидов, 16 ёшли самарқандлик Ортиқ Муслимовларнинг «жанг»лари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Хамшаҳримиз — спорт усталигига номзод Дилмурод Назаров эса «UNITEL» уяли алоқа компаниясининг махсус мукофоти — уяли телефон билан тақдирланди.

Кутилганидек пойтахтлик спортчилар мусобақа давомида энг кўп марта ҳурмат

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 23-турда пойтахтимиз шарфини ҳимоя қилаётган жамоалар — «Пахтакор» ва «Локомотив» ўзаро беллашди.

**Футбол**

**ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ**

Жорий йилги мавсумда ҳам ўз олдинги мамлакат чемпиони бўлишни астойдил ният қилган «Пахтакор» футболчилари учрашувни уюшқоқ ҳолда, кўтаринки кайфиятда ўтказишди. Майдонда рақибларидан хар томонлама устунлик қилган пахтакорчилар тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этиб, шу кунги рақибларини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди олишди. Дарвоқе, «Пахтакор»нинг мохир ҳужумчиси, терма жамоамиз аъзоси Анвар Солиев меҳмонлар дарвозасини тўрт марта нишонга олиб, тўпурлар баҳсида карвонбошилик қилаётган «Насаф» футболчиси Зафар Холмуродовни ортада қолдириб кетди. Демак, шу кунгача рақиблари дарвозабонини 24 марта хато қилишга мажбур этган Анвар ҳозирча тўпурлар рўйхатини бошқаряпти, Зафар Холмуродов ҳисобида эса 23 та тўп бор. «Локомотив» дарвозасига гол кирита олган Соломин ҳам ўзининг мохир ҳужумчи эканлигини исботлай олди ва учрашувнинг йирик ҳисобида ақунланишини таъминлади. Меҳмонлар ҳужумчиси Ойбек Усмоновжаев эса майдон эгалари дарвозасини ишғол этиб тўплар нисбатидаги фарқни бироз қисқартиришга эришди. Ушбу баҳсни йирик ҳисобда ўз фойдаларига ақунлай олган майдон эгалари муҳим уч оқини қўлга киритишди.

Шунингдек, ўз майдонларида «Сўғдиёна» жамоаси билан куч синашган «Трактор» футболчилари ҳам мухлислагига аjoyиб ғалабани тухфа этишди. Тўпни бир-бирига аниқ узатиш, майдон марказини эгаллаш, рақиб дарвозаси олдида хавфли ҳужумлар уюштириш бобида жаззаҳликлардан устунлик қилган тошкентлик футболчилар ҳам 90 дақиқа мобайнида меҳмонлар дарвозасини 5 марта ишғол этиб, ўз дарвозаларидан бор-йўғи биттагина гол ўтказиб юборишди. Мухлислагга аjoyиб оларни ҳада этган тўпларни дарвозаларга «Трактор»дан Науқаров (2та), Умрзоқов, Ҳасанов, Раҳимов, «Сўғдиёна»дан Акбаровлар киритишга муваффақ бўлишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» — «Нефтич» — 1:0, «Навбахор» — «Самарқанд Динамо» — 2:1, «Насаф» — «Металлург» — 4:0, «Машъал» — «Бухоро» — 4:0, «Шўртан» — «Тўпаланг» — 1:2.

Ўтган турнинг «Пахтакор» — «Машъал» жамоалари ўртасидаги кечиктирилган учрашувни ЭРТАГА ўтказилади. Акбар Йўлдошев

**Мунажжам башорати**

**АМАЛИЙ ИТТИФОҚЛАР СИНОВДАН ЎТАДИ**

20 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА  
Ҳа, худди шундай — мунажжамларимизнинг таъкидлашича, бугун бизнес бўйича, фаолиятнинг турли соҳалари бўйича кўпчилик ҳамкорлик иттифоқлари синовдан ўтадиган кун экан. Зеро, яқна тартибдаги ташаббусларнинг мутлақ кўпчилиги умумий мақсад ва вазифаларга эид бўлиб қоларкан. Бундай вазиятларда «хуқуқий майдон» деб аталган чегаралардан чиқиб кетмаслик муҳим аҳамиятга эга.

Бугун ҳеч қандай ваз-сабаблар билан бирор жанжал чиқариш мумкин эмас. Ниҳоят тўйларини ўтказиш, кўнгила ёққан буюмларни харид қилиш, ўйнаб-қувнаш, дам олиш фойдали ва яқши бўлади. Шаҳар ташқарисига савҳатлар, банк амалиётлари, илмий ишлар, ҳавода сузиш, қурилиш, шартномаларни имзолаш, ўзаро ёзишмалар учун бугунги кун қулай ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси хурсандчилик келтириши керак. Савдо-сотик ишлари, хизмат вазифаларини бажариш учун бугун омадли бўлмайди.

Ўзингизни эркин қўйинг — бугунги кун кўркув, ҳадиклардан, ўз-ўзига ишонсизликдан халос бўлиш кунини ҳамдир. Жониворларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг сизга муносабатларини

шохсупасининг юқори погонасини забт этишди. Жумладан, энгил вазн 48 килограммгача курашчилар ўртасида ҳамшаҳримиз халқро тоифадаги спорт устаси Хуршид Эшонўжаев ғалаба қозонишни бошлаб берган бўлса, 57, 63, 67, 71, 81 килограммгача вазн тоифаларида Озод Қосимов, Алишер Аъзамов, Жаҳонгир Гуломов, Дилмурод Назаров ҳамда Жавлон Назаров каби тошкентлик спортчилар ғалаба нашидасини суришди.

Қолган вазнларда Сардор Ҳамидов (Тошкент вилояти), Абдусалом Тожибоев (Андижон вилояти), Илхом Сотволдиев (Фарғона вилояти) ва Жамол Баҳромов (Самарқанд вилояти) Ўзбекистон Кубоги мусобақаларининг ғолиблари бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри ва вилояти вакиллари ғолиб чиққан бўлса, Самарқанд вилояти спортчилари иккинчи, андижонликлар эса учинчи бўлишди. (Ўз мухбиримиз)

кузатинг: агар улар сиздан кўркмай, эрқалиниб сўялишса — бу сизга келажакда кўмак ва ҳомийлик белгиси. Аммо улар сизга ташланишса, тишлашга ҳаракат қилишса — бу хатоликлар ва адашишлардан фақат аҳолинириш демакдир.

Фақат ёркин, тушунарли, эсда қоларли тушлар таъбир қилинади. Сув ёки қонни кўриш — нохушлик аломати.

Кечкурун ҳаммом ёки саунага тушиш саломатлик учун жуда фойдали бўлади. Либослардан фақат яшиллик хос ранглилари устувор бўлсин. Барча хил қизил ва кўк кийимларингизни жавонингизнинг нариги чеккасига суриб қўйинг.

**БУГУН:**

- касб-кор ва рўзгор муаммоларини ҳал этиш;
- меҳнатсеварликни намойиш этиш — шу тариқа сиз келажакдаги омадингизга асос солган бўласиз;
- бир йўла бир нечта иш билан шуғулланиш;
- хар қандай вазиятда босиқлик ва ақл-фаросат билан иш кўриш;
- техника, дарсликлар, маълумотномалар, кассета, дискет ва бошқа зарур нарсаларни харид қилиш;
- сайёҳлик ва савдо фирмалари, рекрутлик агентликлари ходимлари билан мулоқотда бўлиш;
- янги дўстлар орттириш тавсия этилади.

Жамоат ва сиёсат ишлари билан шуғулланиш, хатто арзиманган жанжал-низоларда қатнашиш, оилавий муаммоларга кўп вақт сарфлашни маслаҳат бермаймиз.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**ТОШКЕНТ ОҚШОНИ**  
**Вечерний Ташкент**  
Сиз билан ҳафтага беш кун бирга!  
Ҳеч қандай муаммоларсиз турли-туман ахборотлар, маълумотлар, телевидение дастури, кроссворд, сканвордлар билан танишиш имкониятига эга бўласиз.  
Газеталарга шахримиздаги барча алоқа бўлишларида оубуна бўлишингиз мумкин.  
Аларда савол туғилса, 133-28-95, 136-55-83 телефонларига қўнғирок қилинг.  
**ТОШКЕНТ ОҚШОНИ**  
газеталари тахририяти реклама вазинларини ишга қабул қилади.  
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95  
**ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**

**Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!**  
Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.  
Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шўҳҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:  
**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

**Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ**  
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Буюртма Г-908.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
2496 нускада босилади. Қўзғат бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Навр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлишларида ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида термилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашрий-матбоа акциядорлик компанияси босмоҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.